

Шамоилул-Мухаммадия / РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ КЎРИНИШЛАРИ / 21-ҳадис

21- حَدَّثَنَا أَبُو عَمَارٍ الْحُسَيْنِيُّ بْنُ حُرَيْثِ الْخَزَاعِيِّ، قَالَ: حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُسَيْنِ بْنِ وَاقِدٍ، حَدَّثَنِي أَبِي، قَالَ: حَدَّثَنِي عَبْدُ اللَّهِ بْنُ بُرَيْدَةَ، قَالَ: سَمِعْتُ أَبِي بُرَيْدَةَ، يَقُولُ: جَاءَ سَلْمَانَ الْفَارِسِيُّ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، حِينَ قَدِمَ الْمَدِينَةَ بِمَائِدَةٍ عَلَيْهَا رُطْبٌ، فَوَضَعَهَا بَيْنَ يَدَيْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ: يَا سَلْمَانُ مَا هَذَا؟ فَقَالَ: صَدَقَةٌ عَلَيْكَ، وَعَلَى أَصْحَابِكَ، فَقَالَ: ارْفَعْهَا، فَإِنَّا لَا نَأْكُلُ الصَّدَقَةَ، قَالَ: فَرَفَعَهَا، فَجَاءَ الْعَدَدَ بِمِثْلِهِ، فَوَضَعَهُ بَيْنَ يَدَيْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ: مَا هَذَا يَا سَلْمَانُ؟ فَقَالَ: هَدِيَّةٌ لَكَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِأَصْحَابِهِ: ابْسُطُوا ثُمَّ نَظَرَ إِلَى الْخَاتَمِ عَلَى ظَهْرِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَأَمَّنَ بِهِ، وَكَانَ لِلْيَهُودِ فَاشْتَرَاهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، بِكَذَا وَكَذَا دِرْهَمًا عَلَى أَنْ يَغْرَسَ لَهُمْ نَخْلًا، فَيَعْمَلُ سَلْمَانُ فِيهِ، حَتَّى تُطْعِمَ، فَعَرَسَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، النَّخْلَ إِلَّا نَخْلَةً وَاحِدَةً، غَرَسَهَا عُمَرُ فَحَمَلَتِ النَّخْلُ مِنْ عَامِهَا، وَلَمْ تَحْمِلْ نَخْلَةً، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَا شَأْنُ هَذِهِ النَّخْلَةِ؟ فَقَالَ عُمَرُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَنَا غَرَسْتُهَا، فَتَرَعَهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَعَرَسَهَا فَحَمَلَتْ مِنْ عَامِهَا

Абу Бурайда розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларида Салмон Форсий у зотнинг ҳузурларига дастурхон билан борди. Унда ҳўл мева бор эди. У таомни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг олдиларига қўйди. У зот: «Эй Салмон нима бу?», дедилар. У: «Бу сиз ва асҳобларингизга садақа», деди. У зот: «Буни ол! Биз садақа емаймиз», дедилар. Салмон дастурхонни йиғиштириб олди. Эртасига яна худди шу йўсинда таомни келтириб, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг олдиларига қўйди. У зот: «Эй Салмон нима бу?», дедилар. У: «Сизга ҳадя», деди. Шунда

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларига: «(Буни ейиш учун) кенгроқ ўтиринглар», дедилар. Салмон Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг орқаларидаги (нубувват) хотамини (пайғамбарлик муҳрини) кўрди ва у зотга иймон келтирди. У яҳудийлар қўлида қул эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни яҳудийлардан фалон дирҳамга сотиб олдилар. Шунингдек, берилган пулга қўшимча тарзда яҳудийларга хурмо дарахтларини экиб, ўша дарахтлар ҳосил бергунича Салмон хурмозорда ишлаш шарти билан озод қилинди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (шартда келишилган) хурмо дарахтларидан биттадан ташқари ҳаммасини экидилар. (Экилмай қолган) биттасини Умар экиди. Ўша экилган йилининг ўзида (одатдан ташқари ўлароқ) барча дарахтлар ҳосилга кирди. Фақат битта дарахт ҳосил бермади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳосил бермаган дарахт иши нима бўлди?», дедилар. Умар: «Эй Аллоҳнинг Расули, у дарахтни мен эккан эдим», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дарахтни ердан суғуриб олиб, қайта экидилар ва дарахт ўша йили ҳосил берди».

Манба: hadis.islom.uz

